O‘ZBEKISTON DAVLAT JISMONIY TARBIYA VA SPORT UNIVERSITETI

FAN-SPORTGA

ILMIY-NAZARIY JURNAL

2025 / 6



ISSN: 2181 7804











FAN Sportga

илмий-назарий журнали

2025/6

Бош муҳаррир
Рашид МАТКАРИМОВ

Бош муҳаррир ўринбосари илмий маслаҳатчи:
Ш.Ш. ГАЗИЕВ

Таҳрир ҳайъати таркиби:

Э.Т. Рахманов
Ш.С. Мирзанов
М.Х. Миржамалов
М.Ў.Арзиқулов
С.Б. Репкин
Бек Мун Жонг
И.П. Сивохин
Н.Т. Тўхтабоев
Б.К. Эримбетов
И.Б. Алиев
Л.П. Югай
Д.Х. Умаров
А.К. Эштаев
К.Ш. Зиядуллаев
Н.Ж. Исакулова
А.Б. Жуманиязов
М.М. Қирғизбоев

Таҳрир ҳайъати котиби

Ш.Х.Тоштурдиев
Б.А. Ишимов
Р.И. Исроилов
А.У. Рашидов
О.Е. Мамишев
А.С. Гонашвили

Техник таҳририят таркиби:

Н.Н.Ғаффоров
У.О. Азимова
Ш.Б.Алиева
М.Раҳмонов

fan-sportga.uz

Журналнинг телеграм канали

МУНДАРИЖА/СОДЕРЖАНИЕ

СПОРТ МАШҒУЛОТЛАРИ: ТЕХНИКА, ТАКТИКА, УСУЛИЯТ / ТЕХНИКА, ТАКТИКА И МЕТОДИКА СПОРТИВНОЙ ТРЕНИРОВКИ

Ш.М. Нурматова – Кўп йиллик тайёргарлик давомида баскетболчиларнинг машғулот юкламаларини назорат қилишда илмий-методик асослар. 3

И.Ҳ. Ихласова – Ногиронлиги бўлган спортчи-ўқувчиларни ижтимоийлашув кўрсаткичларининг қиёсий таҳлили. 8

Ш.К. Каримов – Бокс спорт турида ҳакамлик фаолияти самарадорлигига ижобий ва салбий таъсир қилувчи омилларни тадқиқ қилиш. 12

Б.В. Газиев – Чавандозларнинг жисмоний ва техник тайёргарлигини ривожлантирувчи машқлар самарадорлигини ошириш. 16

Д.Н. Рахматова – Футболчиларнинг техник ҳаракатларини ўрганиш ва уларни ривожлантириш методикаси. 19

З.З. Юсупов – Гандболчиларни бошланғич тайёргарлик босқичига саралашда чидамлилигини ривожланганлик даражасини аниқлаш усуллари. 23

Д.Х. Хасанов – Дарсдан ташқари жисмоний тарбия машғулотларда 6-синф ўқувчиларининг чидамлилик қобилиятини махсус машқлар орқали ривожлантириш. 26

М.А. Умбетова., М.Н. Юсупова – Тўп билан сакраш баландлигини ошириш имкониятлари ва самарадорлиги. 29

У.А. Мулладжанов – Қисқа масофага югурувчиларнинг жисмоний тайёргарлигини шаклланганлик даражаси. 33

Р.А. Бурнашев – Комплексно-вариативный подход при индивидуализации интервальной тренировки квалифицированных бегунов на 400 и 800 метров. 37

Л.Т. Давлатова., Г. Юнусова – Пара волейбол машғулотларида инклюзив спорт амалиётининг қўлланилиш самарадорлиги. 41

Н.Р. Исаева – Бадиий гимнастикачиларни машқларга ўргатиш усулларининг услубий хусусиятлари. 44

З.Ю. Газиева – Основы восстановительного процесса спортсменов. 48

Ш.А. Арслонов – Совершенствование контратакующих технико-тактических действий у каратистов 15-16 лет. 52

М.М. Нуриддинова – Мактабгача ёшдаги болаларни жисмоний ривожлантириш: ҳаракат фаолиятининг асослари. 54

М.И. Хайдарова., С.Э. Кушбакова., М.А. Туляева – Болалар ва ўсмирларни спортга саралаш ва йуналтиришнинг ўзига хос услублари. 59

З.Б. Болтаев – Волейбол бўйича профессионал кадрлар тайёрлаш тизимини модернизация қилиш зарурати. 62

К.Ж. Норбоев., О.Р. Эшбердиев – Ёш баскетболчиларнинг тезкор-куч тайёргарлик даражасини баҳолаш ва таҳлил қилиш. 67

FAN Sportga
илмий-назарий журнали

“FAN – SPORTGA”
илмий-назарий журнали

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети муассислигида чоп этилади

Таҳририят манзили:
111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси 19-уй. Формат 60x84 1/16. 84 саҳифа.
Босишга рухсат этилди: 27.05.2025

Журнал “DAVR MATBUOT SAVDO” МЧЖ босмахонасида нашр қилинди.

“MATBUOT TARQATUVCHI” обуна каталоги индекси: 1118

05.02.2018 йилда Тошкент шаҳрида оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Рўйхатга олиш рақами № 02-005 “FAN – SPORTGA” журнали 2004 йилдан нашр этилади.

Суратлар муаллифи:
Анвар Ильясов
Абдулло Файзуллаев

2025/6

Ш.Р. Тошматов., Р.К. Гофуров., Х.С. Рахматуллаева – Кикбокс спорт турида спортчиларнинг тезкорлик қобилиятини ривожлантиришда корреляция машқларидан фойдаланиш услубияти. 69

З.А. Абдулхаева – Волейболчи талаба қизларнинг тўпни ўйинга киритиш техникаси самарадорлигини махсус машқлар орқали ошириш. 72

Ж.С. Сулаймонов – 15-16 ёшли волейболчиларда йиллик тайёргарлик даврида ўтказилган машғулотлар давомида сакраш чидамкорлигини ўсиб бориш динамикаси. 75

Д.Т. Бойхўрозова – Ёш бадиий гимстикачи қизларни жисмоний қобилиятини ривожлантириш услубияти. 78

Ш.Х. Тоштурдиев., У.Б. Жарылкапов – Спорт курашлари бўйича 2025 йилги Осиё чемпионатининг илмий-назарий таҳлили. 81

Н.Қ. Турсунова – Таэквондо (WT) мусобақаларида ҳакамлик фаолиятини ташкил этиш ва мусобақа қоидаларини такомиллаштириш йўллари. 86

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТНИНГ ТИББИЙ-БИОЛОГИК ВА ИЖТИМОИЙ-ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ
МЕДИКО-БИОЛОГИЧЕСКИЕ И СОЦИАЛЬНО-ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ФИЗИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЫ И СПОРТА

Р.Д. Халмухамедов – Структура и содержание тренировочных нагрузок в годичном цикле подготовки единоборцев высокой квалификации. 89

Ў.Р. Эшонқулов – Workout воситалари орқали спортчи-талабаларни жисмоний тайёргарлигини ривожлантириш самарадорлиги. 94

Қ.Т. Араббоев – Жисмоний тарбия дарсларида юкламаларни меъёрлаш масалалари. 97

А.А. Туляганов – 12-13 ёшли ўқув машғулот гуруҳидаги ёш футболчиларни ўйин давомида бажарадиган техник тактик ҳаракатларини ўзгариш динамикаси ва таҳлили. 100

Б.Д. Даврамбеков – Ўйин машқлари орқали футболчиларнинг гуруҳли тактик ҳаракатларини ривожлантириш. 102

Р.А. Жолдасбаева – Бошланғич тайёргарлик босқичидаги машғулотларнинг субъектив юклама даражаси кўрсаткичлари. 106

В.В. Серебряков., Ш.Ш. Шухратжонова – Оценка влияние стресса на студентов разных вузов. 110

Ғ.Т. Исмоилов – Спорт машғулотларида биомеханик таҳлил қилишнинг илмий-назарий асослари. 114

М.Г. Хайдаров – Роль инновационных тренажёров в повышении эффективности подготовки спортсменов по пара пауэрлифтингу. 117

ТАЪЛИМ ИҚТИСОДИЁТИ ВА МЕНЕЖМЕНТ
ЭКОНОМИКА И МЕНЕЖМЕНТ ОБРАЗОВАНИЯ

Р.Ю. Бабажанов – Иқтисодиёт шаклланиши шароитида инсон капиталини ривожлантириш. 120

амалиётда қўллаш учун намунавий тизим сифатида хизмат қила олади.

Адабиётлар:

1. V.R.Rahimov., Sh.M.Nurmatova. Sport va harakatli o‘yinlarini o‘qitish uslubiyati (basketbol). O‘quv qo‘llanma. “Ilmiy texnika axboroti – PRESS NASHRIYOTI”– 2023. - 204 б

2. V.R.Rahimov., Sh.M.Nurmatova. Sport turlarini o‘ratish metodikasi (basketbol). Darslik. “Ilmiy texnika axboroti press nashriyoti”– 2025. - 396 б

3. Ш.М.Нурматова. Кўп йиллик тайёргарлик давомида бошланғич гуруҳларда баскетболга танлов ўтказиш “Fan-sportga” ilmiy-nazariy jurnal 2024. №5

4. Нурматова Ш.М. Бошланғич тайёргарлик босқичида ёш баскетболчиларнинг ҳаракат тезкорлигини ривожлантириш. Педагогика фан. (PhD)...дисс. автореферати. – Чирчиқ. 2022. – 29 б

5. Miradilov B.M. Basketbol nazariyasi va uslubiyati. // Oliy o‘quv yurtlari uchun darslik. T.: “Shafoat Nur Fayz”, 2021. – 456 b.

6. O.R.Igamberdiyev. Ko‘p yillik tayyorgarlik bosqichlarida futbolchilarni saralab olish. Monografiya. - T.: “PUBLISHING HIGH FUTURE” OK nashriyoti, 2024. – 213bet.

7. Ш.М.Нурматова. Кўп йиллик тайёргарлик давомида баскетболчиларнинг машғулот ва мусобақа юкламаларини назорат қилиш “Sportda-ilmiy tadqiqotlar” ilmiy-nazariy jurnal. 2023. №5.-Б. 81-83

8. Ш.М.Нурматова. Баскетболчиларнинг кўп йиллик тайёргарлик давомиида юкламаларининг турлари ва дам олиш методикаси “FAN-SPORTGA” ilmiy-nazariy jurnal. 2023. №5.-Б.16-17

9. Зациорский В.М. Физические качества спортсмена / В. М. Зациорский. - М.: Физкультура и спорт, 1970. - 200 с.

10. КеримовФ.А., Умаров М. Спортда прогнозлаштириш ва моделлаштириш – Тошкент, 2018. - 306 б.

11. Годик М. А.Спортивная метрология: учеб. для инст. физич. культ. - М.: Физкультура и спорт, 1988. - 192 с

Мустақил изланувчи
И.Ҳ. ИХЛАСОВА[1]
[1]Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети
Тошкент шаҳри, Ўзбекистон

НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН СПОРТЧИ-ЎҚУВЧИЛАРНИ ИЖТИМОИЙЛАШУВ КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

Аннотация

В данной статье описаны исследовательские работы, проведенные среди учащихся-спортсменов с ограниченными возможностями, обучающихся в Чирчикском, Наманганском и Ферганском центрах подготовки к олимпийским и паралимпийским видам спорта. В нем обсуждались вопросы интеграции учащихся-спортсменов с ограниченными возможностями в общество, проводился сравнительный анализ результатов в начале и конце исследования по показателям их социализации (социальная адаптивность и активность, личная самостоятельность и нравственное воспитание).

Ключевые слова: *лица с инвалидностью, спортсмен-ученик, социализация, социальная адаптация, социальная активность, социальная независимость, нравственное воспитание, педагогика.*

Annotation

Мазкур мақолада Чирчиқ, Наманган ҳамда Фарғона олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказларида таҳсил олаётган ногиронлиги бўлган спортчи-ўқувчилар ўртасида ўтказилган тадқиқот ишлари баён этилган. Унда ногиронлиги бўлган спортчи-ўқувчиларни жамиятга интеграция қилиш масалалари муҳокама қилиниб, уларнинг ижтимоийлашув кўрсаткичлари (ижтимоий мослашувчанлиги ва фаоллиги, шахсий мустақиллиги ҳамда ахлоқий тарбияси) бўйича тадқиқот боши ва охиридаги натижалар қиёсий таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: *ногирон бўлган шахслар, спортчи-ўқувчи, ижтимоийлашув, ижтимоий мослашувчанлик, ижтимоий фаоллик, ижтимоий мустақиллик, ахлоқий тарбия, педагогика.*

This article describes research work conducted among student-athletes with disabilities studying in Chirchik, Namangan and Fergana Olympic and Paralympic sports training centers. It discussed the issues of integration of student-athletes with disabilities into society, conducted a comparative analysis of the results at the beginning and end of the study on the indicators of their socialization (social adaptability and activity, personal autonomy and moral education).

Key words: *persons with disabilities, athlete-pupil, socialization, social adaptation, social activity, social independence, moral education, pedagogy.*

Кириш. Мамлакатимизда жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларга спорт билан шуғулланиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, уларнинг халқаро спорт майдонларида муносиб иштирок этишини таъминлаш ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш, тиббий-ижтимоий ва касб бўйича реабилитация самарадорлигини ошириш ва уларнинг жамиятга интеграциялашувини кенгайтириш борасида муайян ишлар бажарилган. Шу билан бирга жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллашларини рағбатлантириш, жисмоний ва ижтимоий мослашуви интеграциясини таъминлаш борасида ҳам устувор вазифалар белгилаб берилган.

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси, спорт федерация (ассоциация)лари олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказларига жойлардан иқтидорли ёшларни аниқлаш, танлаш ва саралашга (селекция) яқиндан кўмаклашади, ушбу ишларни амалга ошириш учун бошқа спорт-таълим муассасалари билан доимий алоқа ўрнатиш каби масалалар йўлга қўйилган. Айни пайтда республика бўйича 15 та олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази фаолият кўрсатиб, уларда 400 нафардан ортиқ ногиронлиги бўлган спортчи таҳсил олмоқда. Уларнинг 186 нафари терма жамоа аъзоси ҳисобланади. Ушбу спорт таъ-

лим муассасаларида таҳсил олаётган ногиронлиги бўлган спортчиларни инклюзив таълим асосида ўқитишни тақозо этади. Хусусан, параспортчилар учун марказда махсус восита ва методларни қўллаш орқали махсус педагогларни жалб этган ҳолда тўсиқсиз мослаштирилган таълим муҳитини яратиш, уларнинг жамиятга самарали мослашуви ҳамда тўлақонли уйғунлашувига хизмат қиладиган сифатли таълим беришни таъминлаш талаб этилади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Фан, таълим, маданият ва спортнинг ўзаро таъсири турли соҳа вакиллари томонидан илмий билишнинг объекти сифатида тадқиқ қилинган. Жумладан, педагогика, психология, фалсафа, социология, тарих ва бошқа қатор соҳаларда олиб борилган илмий тадқиқотларда ўзига хос тарзда назарий ғоялар илгари сурилган.

Хусусан, республикамизда ижтимоийлашув ва унинг категориялари Д.Насриддинова, З.Салиева, М.Қуронов, Н.Исматова, Н.Эгамбердиева каби олимлар, ижтимоийлашувнинг педагогик имкониятларини ривожлантириш масалалари А.Зуннунов, Р.Джураев, Р.Мавлянова, О.Мусурманова, З.Нишонова, Р.Самаров, Н.Соғинов, Э.Усманов, М.Утепбергенов, Й.Шаамирова, К.Шониёзов, С.Зоҳидовалар, ижтимоий тарбия, шахс ижтимоийлашуви, шахсий ва касбий ижтимоийлаштиришнинг педагогик асослари М.Қуронов, Ф.Мустафаева, З.Қурбонниёзова каби олимларнинг илмий тадқиқот ишларида ўз аксини топган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДҲ) давлатлари олимлари И.Кон, А.Мудрик, В.Эфроимсон, Р.Немов, И.Сухин, И.Щеглов, С.Айвазова, Т.Андреева, М.Баскакова, В.Бодров, А.Гросс, Т.Гурко, И.Калабихина, И.Дементьева, А.Демидов, Г.Кантемирова, Л.Луняковалар шахс ижтимойлашувининг педагогик имкониятларини ривожлантиришни ташкил этиш бўйича изланишлар олиб борган. В.Дашичев, А.Вахрамеев, Э.Ануфриева, В.Костюкевич, А.Щеглов, Н.Астафьева, С.Вершловский, В.Зборовский, Ю.Кулюткин, Л.Лесохиналарнинг тадқиқотларида ёшларни ижтимоийлаштиришнинг турли жиҳатлари ёритиб берилган.

Хорижий олимлар томонидан ижтимоийлашув муаммолари социология, педагогика, психология, тиббиёт каби соҳаларида тадқиқ этилган. Жумладан, шахснинг ижтимоийлашув жараёнини ўрганиш E.Dyurkxeym, T.Parsons, K.Mankgeym, V.Styuart, V.Thomas, Z.Freud каби машҳур хорижлик олимларнинг илмий ишларида учрайди. F.Giddings, Z.Freud, J.Jean, A.Adler, L.Kohlberg, A.Kennedy, D.Kerber, E.Durkheim, T.Parsonslар ижтимойлашувининг педагогик имкониятларини аниқлашга доир тадқиқотларни амалга оширишган. W.Brettschneider, A.Abelелар томонидан таянч-ҳаракат аппаратининг шикастланишларининг жуда кўп турларини табақалаштириш, K.Armour ва M.Yelling эса жисмоний сифатларни ривожлантиришнинг ёш чегаралари, Bälz, B.Crum, H.Arends, T.Benn ўқувчиларнинг жисмоний тайёргарлигини оширишнинг илмий-услубий жиҳатларини, M.Kinali, H.Brandl-Bredenbeck ва бошқа мутахассислар спорт кўрсаткичларини яхшилаб бориш масалалари бўйича соҳага оид турли изланишлар олиб борилган.

Адабиётлар таҳлилига кўра, турли даврларда ижод этган олимлар томонидан ижтимоийлашув жараёнининг баъзи жиҳатлари очиб берилган. Бироқ, ногиронлиги бўлган спортчи-ўқувчиларни китобхонлик воситасида жамиятга интеграция қилишнинг ижтимоий-педагогик шарт-шароитларини такомиллаштириш масаласи эътибордан четда қолган ва айнан бу мавзу бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмаганлиги аниқланди.

Тадқиқот методологияси. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг "Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида", "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида", "Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида"ги қонунлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 декабрдаги "Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ПФ-5270-сон фармони, 2021 йил 18 майдаги ПҚ-5114-сон "Паралимпия ҳаракатини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ПҚ-5114-сон, 2024 йил 8 ноябрдаги "Ногиронлиги бўлган шахсларни спортга жалб этиш орқали жисмоний реабилитация қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ПҚ-389-сон қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 12-октабрдаги "Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга таълим беришга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида" 638-сон ҳамда 2022 йил 30 декабрдаги "Олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 731-сон қарорлари тадқиқот ишининг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилади.

Қадимги давр ва аср Ғарб файласуфларидан Суқрот, Платон, Аристотел, Авлиё Августин, Фома Аквинский каби файласуфлар ижтимоийлашувнинг жамият ва шахс ўртасидаги ўзаро мулоқот жараёнида шаклланиб боришини ўз асарларида баён этиб ўтган. Ижтимоийлашувнинг фалсафий жиҳатлари Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Имом Ғаззолий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий каби шарқ мутафаккирларининг илмий меросида ўз аксини топган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари,

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари, давлат дастурлари, юқорида номлари келтирилган маҳаллий ва хорижий олимларнинг мавзуга оид илмий-услубий ва бошқа манбалар ушбу тадқиқот ишининг методологиясини ташкил этади.

Ногиронлиги бўлган спортчи-ўқувчиларнинг ижтимоийлашув даражасини аниқлашда асосий кўрсаткичлар, яъни ижтимоий мослашувчанлик, ижтимоий фаоллик, мустақиллик ва ахлоқий тарбия муҳим аҳамият касб этади. Даставвал, олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказларининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари, иш тартиби, маданий-маърифий ишлар бўйича чора-тадбирлар режаси, ўтказиладиган тадбирлар самарадорлиги, кутубхоначилик фаолияти, “Синф соати”лари режаси, директив ҳужжатларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва шу асосида илмий-назарий ишларни ташкил этиш ва ногиронлиги бўлган спортчи-ўқувчиларни китобхонлик воситасида жамиятга интеграция қилишнинг восита ва методлари амалиётга жорий этилди ҳамда зарур тавсия ва таклифлар ишлаб чиқилди.

Ташкил этилган тадқиқот ишларида ногиронлиги бўлган спортчи-ўқувчиларнинг ижтимоийлашув даражасини аниқлаш учун 4 та асосий кўрсаткич, яъни ижтимоий мослашувчанлик, ижтимоий фаоллик, мустақиллик ва ахлоқий тарбияланганлик бўйича натижалар қабул қилинди.

Таҳлил ва натижалар. Тадқиқот ишини олиб бориш учун Чирчиқ, Наманган ҳамда Фарғона олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказларида таҳсил олаётган 106 нафар ногиронлиги бўлган спортчи-ўқувчи (шулардан 53 нафари тажриба гуруҳига ва 53 нафари назорат гуруҳига) ўртасида ўтказилди. Тадқиқот ишларида қатнашган иштирокчиларнинг ўртача ёши 19-20 ни ташкил этиб, улардан 36 нафари (ёки 34%) паралимпия спорт турлари бўйича миллий терма жамоаси аъзоси ҳисобланади.

Тажриба ва назорат гуруҳига танлаб олинганларнинг асосий қисми касаллик нозологияси бўйича таянч ҳаракати аппарати тизимида бузилиш бўлганларни ташкил этди. Бундан ташқари нанизм, серебрал фалаж (ДЦП), кўришда нуқсони бўлган болалар (кўрлар, заиф кўрувчилар, кейинчалик кўр бўлган болалар) ва шу каби бошқа ногиронлик турлари бўлган спортчи-ўқувчилар иштирок этган. Ногиронлиги бўлган спортчи-ўқувчиларнинг ижтимоийлашув даражаси аниқлаш учун 4 та кўрсаткич яъни, ижтимоий мослашувчанлиги, ижтимоий фаоллиги, мустақиллиги (тобелиги) ҳамда ахлоқий тарбияланганлик бўйича олинган назорат тестлари натижаларидан ўртача арифметик, ўртача оғиш ва вариация коэффициенти аниқланди (1-жадвалга қаранг):

1-жадвал

Ногиронлиги бўлган спортчи-ўқувчиларнинг тадқиқот бошидаги ижтимоийлашув кўрсаткичлари (n=106)

№	Ижтимоийлашув кўрсаткичлари	Тажриба гуруҳи (n=53)			Назорат гуруҳи (n=53)		
			σ	V, %		σ	V, %
1.	Ижтимоий мослашувчанлик	3,15	0,49	15,61	3,19	0,55	17,26
2.	Ижтимоий фаоллик	3,12	0,53	17,11	3,10	0,55	17,70
3.	Ижтимоий мустақиллик	2,99	0,59	19,70	2,95	0,57	19,40
4.	Ахлоқий тарбияланганлик	3,12	0,53	17,00	3,14	0,58	18,60

Тадқиқот бошидаги қиёсий таҳлиллар шуни кўрсатдики, тажриба ва назорат гуруҳларининг ижтимоийлашувга оид барча компонентларида яққол статистик фарқ кузатилмади (P>0,05). Юқоридаги натижаларга мувофиқ, ижтимоий мослашувчанлик даражаси тажриба гуруҳида 3,15 (±0,49) га тенг бўлган бўлса, назорат гуруҳида бу кўрсаткич 3,19 (±0,55) ни ташкил этди. Ижтимоий фаоллик тажриба гуруҳида 3,12 (±0,53), назорат гуруҳида бу кўрсаткич нисбати 3,10 (±0,55) га тенг бўлди. Ижтимоий мустақиллик яъни, тобелик даражаси тажриба гуруҳида 2,99 (±0,59) қайд этилган бўлса, назорат гуруҳида бу кўрсаткич 2,95 (±0,57) ни ташкил этди. Тажриба гуруҳидаги ахлоқий тарбияланганлик меъёри 3,12 (±0,53) га тенг бўлса, назорат гуруҳида 3,14 (±0,58) ни ташкил этди. Ушбу кўрсаткичларда минимал фарқлар мавжуд бўлсада, улар статистик жиҳатдан аҳамиятли эмас. Бунда t қиймати 0,10 дан - 0,23 гача бўлиб, P>0,05 кўрсаткичи билан ифода этилди. Юқоридаги натижалар тадқиқот бошидаги иккила гуруҳнинг ижтимоийлашув даражалари ўртасида сезиларли фарқ мавжуд эмаслигини кўрсатади.

Биз томонимиздан олиб борилган тадқиқот ишлари давомида дарс ва дарсдан ташқари қўлланилган китобхонлик бўйича машғулот юкламалари ҳамда восита ва методларни спортчи-ўқувчиларнинг ижтимоийлашувига ижобий таъсирини аниқлашда кенг тарқалган усулдан фойдаландик. Бунда ногиронлиги бўлган спортчи-ўқувчиларнинг 4 та кўрсаткич бўйича ижтимоийлашув даражаси яъни, ижтимоий мослашувчанлиги, ижтимоий фаоллиги, мустақиллиги (тобелиги) ҳамда ахлоқий тарбияланганлик даражаси анкета сўровнама асосида қайта ўрганилди. Натижаларнинг ўзгаришини билиш мақсадида тадқиқотдан олдинги ва кейинги натижалар солиштирилди (2-жадвалга қаранг):

2-жадвал

Ногиронлиги бўлган спортчи-ўқувчиларнинг тадқиқот боши ва охиридаги ижтимоийлашув кўрсаткичлари (n=106)

№	Ижтимоийлашув кўрсаткичлари	Тадқиқот бошида (n=53)			Тадқиқот охирида (n=53)			t	P
			σ	V %		σ	V %		
Тажриба гуруҳи (n=53)									
1.	Ижтимоий мослашувчанлик	3,15	0,49	15,61	3,59	0,50	13,90	2,62	<0,05
2.	Ижтимоий фаоллик	3,12	0,53	17,11	3,55	0,52	14,52	2,45	<0,05
3.	Ижтимоий мустақиллик	2,99	0,59	19,70	3,29	0,49	14,95	1,62	>0,05
4.	Ахлоқий тарбияланганлик	3,12	0,53	17,00	3,54	0,62	17,65	2,16	<0,05
Назорат гуруҳи (n=53)									
1.	Ижтимоий мослашувчанлик	3,19	0,55	17,26	3,45	0,57	16,55	1,36	>0,05
2.	Ижтимоий фаоллик	3,10	0,55	17,70	3,34	0,51	15,11	1,40	>0,05
3.	Ижтимоий мустақиллик	2,95	0,57	19,40	3,16	0,50	15,74	1,16	>0,05
4.	Ахлоқий тарбияланганлик	3,14	0,58	18,60	3,40	0,57	16,68	1,36	>0,05

Агар тажриба гуруҳида ногиронлиги бўлган спортчи-ўқувчиларнинг 4 та кўрсаткич бўйича ижтимоийлашув даражаси тадқиқот боши ва тадқиқот охирида олинган натижалари қиёсий таҳлил этилса, қуйидаги фарқни кўриш мумкин. Тадқиқот аввалида ижтимоий мослашувчанлиги даражаси ўртача 3,15 (±0,49) га тенг бўлган бўлса, тадқиқот сўнггида бу кўрсаткич 3,59 (±0,50) ни ташкил этди ва 0,44 ёки 14,0% га яхшиланган. Ижтимоий фаоллиги тадқиқот бошида 3,12 (±0,53) га тенг бўлган бўлса, тадқиқот охирида 3,55 (±0,52) га яхшиланиб, 0,43 баллга ёки 13,8% га ошган. Ижтимоий мустақиллиги яъни, тобелиги тадқиқот аввалида ўртача 2,99 (±0,59) га тенг бўлган бўлса, тадқиқот сўнггида бу кўрсаткич 3,29 (±0,49) ни ташкил этди ва 0,30 баллга ёки, 10,0%га яхшиланган. Тадқиқот бошида ахлоқий тарбияланганлик даражаси 3,12 (±0,53) га тенг бўлган бўлса, тадқиқот охирида 3,54 (±0,62) қайд этилиб, бу кўрсаткич 0,42 га ошган ёки 13,5%га яхшиланган.

Тадқиқот охирида тажриба ва назорат гуруҳидаги ногиронлиги бўлган спортчи-ўқувчиларнинг ижтимоийлашув даражаси 4 та кўрсаткич бўйича қиёсий таҳлил этилганда қуйидагича натижаларни кузатиш мумкин. Жумладан, ижтимоий мослашувчанлик даражаси тажриба гуруҳида ўртача 3,59 (±0,50)ни, назорат гуруҳида бу кўрсаткич 3,45 (±0,57)ни ташкил этди. Тадқиқот сўнггида тажриба гуруҳидаги ногиронлиги бўлган спортчи-ўқувчиларнинг ижтимоий фаоллиги 3,55 (±0,52) га, назорат гуруҳида 3,34 (±0,51) га тенг бўлди. Ижтимоий мустақиллик даражаси яъни, тобелиги тажриба гуруҳида 3,29 (±0,49) қайд этилган бўлса, назорат гуруҳида бу кўрсаткич 3,16 (±0,50) ни ташкил этди. Тажриба гуруҳидаги ахлоқий тарбияланганлик меъёри 3,54 (±0,62) га тенг бўлган бўлса, назорат гуруҳида 3,40 (±0,57) ни кўрсатди.

Юқоридаги натижалар орқали тадқиқот охирида тажриба гуруҳида ногиронлиги бўлган спортчи-ўқувчиларнинг ижтимоийлашув даражаси 4 та кўрсаткич бўйича назорат гуруҳидагиларга нисбатан сезиларли даражада ошганлигини кузатиш мумкин. Бунда, ижтимоий мослашувчанлик даражаси ўртача 0,14 балл ёки 3,9%, ижтимоий фаоллиги 0,21 балл ёки 5,9%, ижтимоий мустақиллиги 0,13 балл ёки 4,0% ва ахлоқий тарбияси эса 0,14 балл ёки 4,0% га яхшиланган. Ижтимоийлашув даражаси аниқлаш юзасидан ўтказилган 4 та кўрсаткич бўйича ўртача 0,16 балл ёки 4,4% ижобий натижа қайд этилди.

Тадқиқотнинг охиридаги натижалар шуни кўрсатдики, тажриба гуруҳидаги ногиронлиги бўлган спортчи-ўқувчиларнинг ижтимоийлашув бўйича барча кўрсаткичлари назорат гуруҳига нисбатан сезиларли даражада ўсганлиги маълум бўлди.

Хулоса ва таклифлар. Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, ногиронлиги бўлган спортчи-ўқувчиларни китобхонлик орқали жамиятга интеграция қилишда қўлланиладиган педагогик восита ва методларнинг мазмуни ва тузилиши ногиронлиги бўлган шахсларга мос бўлиши ва унда ногиронлиги бўлган спортчи-ўқувчиларнинг ижтимоийлашув даражаси инобатга олиниши зарур. Машғулотлар жараёнида анъанавий ва замонавий педагогик технологиялардан ўз ўрнида ва самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Хусусан, айни пайтда ногиронлиги бўлган спортчи-ўқувчиларда китобхонлик маданиятини шакллантириш, мутолаага ўргатиш ва шу орқали ижтимоийлашув даражасини оширишда универсал дизайн методидан фойдаланиш ижобий натижа беради. Айнан биз ҳам ўз тадқиқот ишларимизда ушбу методдан кенг фойдаланганмиз ва бу тадқиқот давомида ўз исботини топди.

Биз томонимиздан ўтказилган тадқиқотлар натижасида айнан танлаб олинган воситалар ва услублар орқали ногиронлиги бўлган спортчи-ўқувчиларни китобхонлик воситасида жамиятга интеграция қилиш имконияти кенгайтирилди. Қайд этилган натижалар биз томондан ишлаб чиқилиб, махсус

восита ва услубларни дарс ва дарсдан ташқари машғулотларда қўлланилиши олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказларида таҳсил олаётган ногиронлиги бўлган спортчи-ўқувчини жамиятга интеграция қилишда самарали эканлигини тасдиқлайди.

Адабиётлар:

1. Каирбекова Б.Д., Кажикенова Г.М. [и др.] Социально-психологическая адаптация и социализация воспитанников интернатов и домов юношества // электронное учебно-методическое пособие. НАО «TORAIGHYROV UNIVERSITY». - Павлодар, 2019.

2. Egamberdiyeva N.M. “Ijtimoiy pedagodika” // Alisher Navoiy nomidagi O‘zbekiston Milliy kutubxonasi nashriyoti. Toshkent – 2009, 232 b.

3. “Ijtimoiylashuv. Ijtimoiy munosabatlar. Ijtimoiy muhit” // https://oyina.uz/uz/teahause/1642

4. To‘ychiyeva S.M. “Ta’lim-tarbiya jarayonida shaxsni muvaffaqiyatga intiluvchanligini shakllantirish” https://portal.piima.uz/en/news/talim-tarbiya-jarayonida-shaxsni-muvaffaqiyatga-intiluvchanligini-shakllantirish

5. Рожков М.И. Практика социального воспитания: основные тенденции развития // Ярославский педагогический вестник № 6. - 2017

6. Qodirov A. “Ma’naviyat – davlat va jamiyat taraqqiyotida ta’sirchan kuch” // “Globallashuv sharoitida vatanparvarlik tarbiyasining ma’naviy ma’rifiy texnologiyalari”. Respublika ilmiy-amaliy konferensiya materiallari// – Toshkent, 2019. - 8 bet.

7. Xodjayorova B.A. Kreativ yondashuv asosida o‘quvchilarni ijtimoiylashtirishning pedagogik shart-sharoitlari (5-6 sinf o‘quvchilari misolida) // p.f.b.f.d. (PhD) diss. avtoreferati // Samarqand - 2023. - 43 bet.

8. Pardayev B.O‘. Boshlang‘ich sinf o‘quvchilari ijtimoiylashuvining pedagogik imkoniyatlarini rivojlantirish // p.f.b.f.d. (PhD) diss. avtoreferati // Toshkent – 2023. - 50 bet.

9. Daminova N.K. Globallashuv sharoitida talabalar kasbiy ijtimoiylashuvining pedagogik mazmunini takomillashtirish // p.f.b.f.d. (PhD) diss. avtoreferati // Samarqand – 2023. - 56 bet.

10. Mahkamova D.A. Bo‘lajak o‘qituvchilarni o‘quvchilarning kasbiy ijtimoiylashuvi faoliyatiga tayyorlash metodikasi (pedagogika nazariyasi va tarixi fani misolida) // p.f.b.f.d. (PhD) diss. avtoreferati // Qo‘qon – 2025. - 54 bet.

11. Rasulov R.O. Yoshlar dunyoqarashida siyosiy ijtimoiylashuvni shakllantirishning mafkuraviy ahamiyati // p.f.b.f.d. (PhD) diss. avtoreferati // Toshkent – 2025. - 44 bet.



Халқаро тоифадаги “IBA” икки юлдузли ҳаками
Ш.К. КАРИМОВ[1]
[1]Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети,
Чирчиқ шаҳри, Ўзбекистон

БОКС СПОРТ ТУРИДА ҲАКАМЛИК ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИГА ИЖОБИЙ ВА САЛБИЙ ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАРНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ

Аннотация

В статье представлены результаты исследования, в ходе которого освещены состав внутренних и внешних факторов, оказывающих как положительное, так и отрицательное влияние на эффективность судейства в боксе.

Ключевые слова: *судейская деятельность, эффективность, положительные и отрицательные факторы, исследование.*

Annotation

Мақолада ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, бокс спорт турида ҳакамлик фаолияти самарадорлигига ижобий ва салбий таъсир қилувчи ички ва ташқи омилларнинг таркиби ёритиб берилган.

Калит сўзлар: *ҳакамлик фаолияти, самарадорлиги, ижобий ва салбий таъсир қилувчи омиллар, тадқиқ қилиш.*

The article presents the results of a study that highlights the composition of internal and external factors that have both positive and negative effects on the effectiveness of refereeing in boxing.

Key words: *refereeing activity, effectiveness, positive and negative factors, research.*

Долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2021 йил 29 апрелдаги ПҚ 5099-сонли “Боксни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори юртимизда бокс спорт тури бўйича профессионал тренерлар ва ҳакамларни ҳамда спортчиларни тайёрлаш тизимини ривожлантириш бўйича илмий-методологик базани янада кучайтириш вазифалари аниқ белгилаб ўтилгани юртимиз боксчиларини халқаро спорт майдонларида юқори поғонага кўтариш учун қонуний асос бўлиб хизмат қилади (1).

Бокс спорт турида ҳакамлик фаолиятининг самарадорлигини белгилаш, шубҳасиз, турли омилларга боғлиқ. Бу омиллар ҳар бир ҳакамнинг муваффақиятли ишлаши, мусобақаларнинг тўғри ва адолатли ўтказилишини таъминлаш учун муҳимдир. Бокс спорт турининг мусобақа қоидалари сўнги йиллардан мутазам равишда такомиллашиб бормоқда ва бу эса ўзнавбатида боксчиларни тайёргарлик жараёнига ҳамда ҳакамларни малакасига қўйиладиган талабларни хусусиятларига ижобий таъсир кўрсатмоқда (Е.М. Кураков, В.Н. Клечев, 2008). Шунга қарамасдан малакали ҳакамларни танлаш ва ҳакамлик фаолиятининг дастлабки тайёргарлигининг ташкилий-услубий хусусиятларини аниқлаш муаммоси бугунги кун спорт ҳакамлигида жуда долзарбдир, хусусан Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети бокс назарияси ва услубияти кафедраси битирувчилари учун.


Спорт назарияси ва амалиётида кўп йиллар давомида фаолият кўрсатаётган бир қатор муаллифлар замонавий спорт ҳакамлигининг муайян муаммо-


O‘ZBEKISTON KUBOGI




SQB


UZB UZB
1 0:51 2




BIZ SIZ BILAN FAXRLANAMIZ!